

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан "Марказий Осиё халқаро транспорт тизимида: стратегик истиқбол ва амалга оширилмаган имкониятлар" мавзусида Халқаро конференция тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Жорий йилнинг 20-21 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида "Марказий Осиё халқаро транспорт тизимида: стратегик истиқбол ва амалга оширилмаган имкониятлар" мавзусида Халқаро конференция ўтказилиши кўзда тутилган.

Ушбу халқаро конференцияни кўтаринки юқори савияда ва унга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Қўмита томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мазкур чора-тадбирда ҳар бир банд бўйича масъуллар белгиланган ва улар томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқаро конференцияга йўл қурилиши ва эксплуатацияси соҳасидаги чет эл ҳамкорларининг 50 кишилик рўйхати шакллантирилди ва Ташқи ишлар ва Ташқи савдо вазирликларига тақдим этилди.

Халқаро йўл федерацияси вакиллари, ТРАСЕКА Ҳукуматлараро комиссия бош қотиби, Халқаро йўл ассоциясининг бош қотиби, Осиё тараққиёт банкнинг экспертларини, Сингапур транспорт ва коммуникация вазирлиги, Япония, Германия, Туркия ва Ўрта Осиё ва йўл соҳасидаги компанияларининг топ менеджерлари шулар жумласидандир.

Конференцияга тайёргарлик материалларида йўл соҳасида олиб борилаётган ишлар, халқаро маршрутлар, уларни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, янги халқаро маршрутларини очиш, автомобиль йўллари ҳолатлари ҳамда йўлларни таъмирлаш учун халқаро молия институтлар билан олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар ўрин олган.

Халқаро конференция пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ташқи савдо вазирлиги бошчилигида Оператив штаб ташкил этилди. Ушбу штабга ташкилий ишларни ташкил этиш мақсадида Қўмита томонидан 4 нафар ходим ажратилди.

Бугунги кунга қадар таклиф этилган меҳмонлардан 27 таси Халқаро конференцияда иштирок этишини тасдиқладилар ва конференцияни ўтказиш бўйича яратилган сайтдан рўйхатдан ўтдилар.

Конференция доирасидаги 3-чи секция мажлисида Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг Ҳукуматларо йўлчилар кенгаши котибияти бошлиғи профессор Б.Каримовнинг "Мустақил давлат ҳамдўстлиги давлатларида йўловчи ва юк ташишда халқаро автомобиль йўллари" мавзусида маъруза қилиши кутилмоқда.

Бу билан бирга, ТРАСЕКА Ҳукуматларро комиссияси бош котиби Мирча Чиопра ва Сингапур транспорт вазири ўринбосари Келвин Фуа юқорида кўрсатиб ўтилган секция мажлисида ўз маърузалари билан иштирок этишганини маълум қилганлар.